

ОРНИТОНИМЛАРНИНГ ГУРУХЛАШ МУАММОЛАРИ

Йигиталиева Мухлиса Ахадовна

ҚДПИ, ўқитувчи

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7314463>

Аннотация. Ушбу мақола орнитонимларнинг худудий, миллий номланишининг турли вариантларда келтирилишига бағишланган.

Калим сўзлар: орнитоним, вариант, классификатор.

ПРОБЛЕМЫ ГРУППИРОВКИ ОРНИТОНИМОВ

Аннотация. Данная статья посвящена представлению территориально-национальной номинации орнитонимов в разных вариантах.

Ключевые слова: орнитоним, вариант, классификатор.

PROBLEMS OF GROUPING ORNITHONYMS

Abstract. This article is devoted to the presentation of territorial and national naming of ornithonyms in different variants.

Key words: ornithonym, variant, classifier.

Маълум бир иқлимда, маълум бир худудда яшовчи ҳар бир халқ уни ўраб тўрган шарт – шароитга мослашади. Яшашнинг турли шарт-шароитлари умумэтироф этган қадриятларнинг ҳар бир алоҳида халқда турлича уйғонишига олиб келади. Шунинг учун “биз ўзига хос миллий нарсаларни эмас, балки барча одам ва маданиятга умумий бўлган нарса ва тушунчаларнинг алоҳида ўзаро муносабатини пайқашимиз зарур”[Гачев1988: 47]. Умуман ҳар бир халқ учун ҳаётий қадриятлар бир хил, бироқ уларнинг бўйсунлиши фарқ қилади. Г.Д Гачевнинг фикрича, халқнинг миллий қиёфаси, дунё тасвирини белгиловчи омиллардан бири бўлиб у яшаб тўрган табиат(географик шароит, иқлим ҳайвонот дунёси, ўсимликлар) ҳисобланади. Халқ буларнинг ҳар бири натижасида ушбу яшаб тўрган жойи, моддий маданияти, фикрлаши, тилига аниқ жавоб берувчи ўзига хос тарихий йўли орқали ривожланган. Халқлараро алоқанинг мавжуд мураккабликлари туфайли турли миллат маданиятларининг таъсири, ўзаро сингиши, ўхшаб кетиши минимал даражада бўлган ва глобал натижаларга олиб келмаган. XX-XXI асрларда телекоммуникация, Оммавий ахборот воситалари интернет каби алоқа воситаларнинг ривожланиши ва тарқалиши орқали маданиятни, жумладан тилларни, ўзаро қиёслаш жараёни жадаллашди. Бундан келиб чиқиб у ёки бу халқ маданиятининг ўзига хос хусусиятларини намоён этиш, очиш алоҳида долзарблик касб этади. Турли халқларнинг дунё тасвирини ўрганиш бизни ўраб тўрган борлиқни ўзимиз қандай кўришимиз ва қабул қилишимизни яхши тушунишга ёрдам беради. Ушбу ишнинг ўрганиш объекти бўлиб орнитонимлар ҳисобланади. Шунинг учун орнитоним маъноли сўз ларни ажратишда асосий мезон бўлиб семантиклик (орнитоним сўзнинг янги маъноси, орнитонимнинг кўчма маъноси) танланган. Асосланганлик – тилнинг дастлабки ва ясама бирликлари орасидаги мазмунли алоқа бўлиб, асосланганлик йўқ бўлган ҳолатда унинг моҳиятини дастлабки бирлик орқали тушунтиришнинг иложи бўлмайди. “ Асосланганлик “тушунчаси орнитоним ларга хос. Охир- оқибат сўзлар воқеликнинг предметлари борасида тушунчаларни англатади ва шу билан сўзлар моҳияти англаётган фикр предметларга мурожаат билан “асосланади”[Мешков 1986: 80]. Мешков асосланмаганлик сабабини таркибий қисмлар ўртасидаги тўғридан –тўғри мазмунли алоқанинг йўқлиги билан изоҳлайд, бу эса

орнитоним маъноли сўзлар таркибий қисмининг белгиланган воқелик предметлари ўртасида бундай алоқалар йўқлигининг натижасидир. Сўзнинг моҳияти ва унинг асосланганлиги орасидаги мураккаб алоқа кўпгина муаллифлар томонидан қайд қилинади. “ Қандайдир ясаишда идиоматикликнинг турли жихати унинг қурилишининг асосланганлигини чеклайди ва уни бартараф қилиши мумкин [Смирницкий 1956: 147]. Асосланган орнитоним маъноли сўз гапирилганда лексик (луғавий) ва тизимий идиоматикликни фарқлаш зарур.

Кушларнинг 2 катта синфи бор.

1. Яккадумлилар синфи.
2. Елпиғичдумлилар синфи.

Кушларнинг 28 отряди ва 9000 га яқин тури бор. Турларнинг 80% тропик зонада. Жаҳон қизил китобига 209 тур ва 83 ост-тур кушлар киритилган. 37 нодир тур йўқолиб кетиш арафасида.

Аммо уларнинг барчасининг номлари биология ва зоологияга оид китоб қўлланма, луғат, энциклопедияларда берилмавермайди. Масалан, Duden pictorial Dictionary of the English language – суратли луғатида 85 та кушнинг номи келтирилган, суратлари билан.

Инглиз тилининг Коллинз луғатида эса 564та куш номи 12 та гуруҳга бўлинган ҳолда келтирилган. Албатта шунча номни билиш оддий сўзловчи томонидан амалга ошириб бўладиган иш эмас. Хатто орнитолог бўлса ҳам кушларни фарқлаш учун махсус классификаторлардан фойдаланилади.

Бу табиий чунки, куш номлари турли ҳудудий вариант, миллий вариант услуб кабилардаги вариантлашув натижасида орнитонимлар сони жуда кўпайиб кетган. Масалан 36 та куш номи фақатгина Янги Зеландияда ишлатилади ва улар, яъни ўша орнитонимлар хатто янги Зеландияга жуда яқин бўлган Австралияда ҳам ишлатилмайди. Фақат Австралияда ишлатиладиган орнитонимлар сон 28 та ташкил этади.

3 та орнитоним фақат Америка вариантыда, 1та орнитоним фақат Англияда, 1 та Шотландияда 2 та Канадада қўлланилади.

Жадвал 1

№	Қаерда ишлатилади	Миқдори абсолют рақамда	%
1	Янги Зеландия	36	6.4%
2	Австралия	28	4.9%
3	АҚШ	3	0.6%
4	Канада	3	0.6%
5	Англия	1	0.17%
6	Шотландия	2	0.34%
7	Ҳамма ерда	492	87.1%
	Жами	564	100%

Бу юкоридаги жадвалга айрим мисолларни келтирамиз:

- 1) Фақат Янги –Зиландияда мулоқотда қўлланиладиган орнитонимлар: Amokura, tara ,whistling duck, pipipi, brown duck, brown kiwi, bush wren, Californian quail, piwakawaka, fernbird, riroriro, banded dottend, banded rail, coromak, kaka, kakapo, kakariki, kea, kotare, mohua, kereru, titipouname ва бошқалар.
- 2) Фақат Австралияда ишлатиладиган орнитонимлар:pallid ckuckoo, boobook, zebra parrot, bustard quail, chook, galah,makomako, pardalote, buin-buin, pitla ва хок.
- 3) Фақат АҚШ да қўлланиладиган орнитонимлар: peetweet, nightjar, jaeger
- 4) Фақат Канадада қўлланиладиган орнитонимлар : jaeger, marsh harrier, nightjar.
- 5) Фақат Англияда қўлланиладиган орнитонимлар : quist, wader, ва бошқ.
- 6) Фақат Шотландияда қўлланиладиган орнитонимлар: cushie doo,cushat,corbie.

2-жадвал

Инглиз тилидаги Орнитонимларнинг турига қараб гурухланиши.

№	Куш номлари	Миқдори рақамда	абсолют %
1	Сайроқи кушлар	15	15.9%
2	Учолмайдиган кушлар	5	5.35%
3	Диск оёқли	6	6.4%
4	Узун қанотли	4	4.2%
5	Ғозсимонлар	5	5.3%
6	Жавдархўр	5	5.3%
7	Пассерри нлар	5	5.3%
8	Корвидлар	5	5.3%
9	Қизилтўшлар	7	7.4%
10	Дроза (Сайроқи ўрмон куши)	8	8.5%
11	Ёввойи кушлар	5	5.3%
12	Кундузги кушлар	13	13.8%
13	Бойкушлар	7	7.4%
14	Экзотик кушлар	6	6.4%
	жами	94	100

Инглиз тилидаги орнитонимларнинг рамзий маънолари ва кўчма маъноларининг қиёсий жадвали

3-жадвал

№	Орнитонимлар	Рамзлар	Кўчма маъно	Образлар мос тушиши

1	Қарға	мангулик	Негр	Йўқ
2	Зағча	Манманлик	Майдагап	Бор
3	Каптар		Содда, чўп	Бор
4	Ғоз	Безарарлик Ахмоқлик	Ахмоқ	Бор
5	Курка	манманлик эрройимлик	Дабдабабоз ахмоқ ва имиллаган одам	Йўқ
6	Канюк	Шиддат, одамлар орасида аламзада	Бефойда одам оми бефаросат	Бор
7	Какку		Тўнка, бироз, ақлдан озган одам	Йўқ
8	Товук	Ахмоқлик		Йўқ
9	Оқкуш	Эр – хотин бевафолиги	1. Майда гап , ғийбатчи 2. Меҳрибон	бор йўқ
10	Товус	Оналарга меҳрибонлик	1. Гўзал қиз 2. Ёлғиз дахо	йўқ
11	Хўроз			бор бор
12	Тўти	Нафислик	Манман одам	бор
13	Бойўғли		1. Йўл бошловчи 2. Урушқоқ	бор
14	Хакка	Улуғворлик илҳом	тўполпончи	бор
15	Чағалай			бор
16	Қирғий	Шиддат, сурбетлик	Бировнинг сўзларини ўйламай такрорлаверадиган одам	бор
		Майдагап, Сергап Маҳмадона	Доно , юзидан бирор бир нарсани билиб бўлмайдиган одам Сергап, оғзи гапдан	

		Донолик Маҳмадоналик Содда чўп, лаққа туши Очкўзлик, еб тўймаслик	тинмайдиган одам Содда чўп одам Шавқатсиз одам	
--	--	--	--	--

REFERENCES

1. Тишкина Д.А. Фразеологические единицы с компонентом – зоонимом в английском и русском языках : сопоставительный анализ- АКД, М-2008.
2. Скитина Н.А Лингво-когнитивный анализ фразеологических единиц с зоонимными компонентом на материале русского, английского и немецкого языков АКД, 2007.
3. Йигиталиева М. А. Турғун бирикмаларнинг тилшуносликда тутган ўрни, Journal of Innovation in social Science, 2022.